**“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган 2024 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида**

# ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

*24.09.2024 йил ҳолатида*

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **26.** Мамлакатимизда чанг бўронларига қарши курашиш ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш доирасида:<br>а) 2024 йил 1 мартдан бошлаб:<br>ҳудудларда чанг бўрони содир бўлаётганда ва атмосфера ҳавосида майда дисперс заррачалари белгиланган нормадан юқори бўлгани аниқланганда аҳолини огоҳлантириш, юрак-қон томир ва нафас йўллари касалликларига чалинган ҳамда соғлиғи ҳавонинг ифлосланишига таъсирчанлиги юқори бўлган бошқа фуқароларни зарур профилактик чоралар тўғрисида доимий хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилсин;<br>ўлчами 500 метр квадрат ва ундан ортиқ бўлган қурилиш майдонларида, унга кириб-чиқиш йўлларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талаблар жорий этилсин;<br>Тошкент шаҳрида юк ташиш учун мўлжалланган, рухсат этилган тўла вазни 10 тоннадан юқори бўлган N2, N3, O4 тоифага кирувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракати тиғиз вақт оралиқларида тақиқлансин. Бунда, ушбу чекловлар махсус хизмат шу жумладан, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг юк транспорти воситаларига татбиқ этилмаслиги белгилансин;<br>б) 2030 йилга қадар Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида «ЕВРО — 5» ва ундан юқори стандартларига мувофиқ бўлмаган автомашиналар эксплуатацияси босқичма-босқич чеклансин. | 2024 йил март<br><br>2024 йил август | **Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги**<br>А. Абдухакимов<br><br>**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**<br>А. Худаяров<br><br>**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги**<br>Б. Закиров<br><br>**Ички ишлар вазирлиги**<br>П. Бобожонов<br><br>**Транспорт вазирлиги**<br>И. Махкамов | БАЖАРИЛГАН.<br>а) Мазкур топшириқнинг 26.а-банди ижросини тўлиқ таьминлаш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиг вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “ШНҚ 3.01.02-23 “Қурилишда хавфсизлик техникаси” шаҳарсолик нормалари ва қоидаларининг 4-боб 80-банди ўзгартиришлар киритиб ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирнинг 2023 йил 9 ноябрдаги 369-сон буйруғи билан тасдиқланди.<br>Вазирликнинг 2024 йил 5 мартдаги 24-05/510-сонли хат Вазирлар Маҳкамасига юборилди.<br><br>БАЖАРИЛМОҚДА.<br>б) Топшириқ доимий этиб белгиланганлиги сабабли ижро муддати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ кейинги 6 ойда маълумот киритиш учун узайтирилган.<br>Хамда амалга оширилаётган ишлар юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 30 июлдаги 24-06/7828-сонли хати Вазирлар маҳкамасига, Адлия вазирлигига ва Ҳисоб палатасига киритилди. |
| 2. | **32.**Стратегик ислоҳотлар агентлиги Адлия вазирлиги, Ҳисоб палатаси билан биргаликда «Ўзбекистон — 2030»доирасида йўналишлар бўйича амалий тадбирлар режалари бажарилишини, мақсадли кўрсаткичларга эришилишини ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини тизимли мониторинг қилиб борсин.<br>Давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва | 2024 йил давомида | | БАЖАРИЛМОҚДА.<br>Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатиuга хар ойлик маълумот алмашилмоқда. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» ҳаракатининг мазкур банд ижроси бўйича фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиб борсин | | | |

**“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган 2024 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режалари ижроси тўғрисида**

# ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

*24.09.2024 йил ҳолатида*

| Т/р. | Вазифа | Амалий чора-тадбир | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ** | | | | | |
| **2-мақсад: Умумий ўрта таълим тизимида «Таълим учун қулай муҳит» дастурини амалга ошириш** | | | | | |
| **1.** | Янги мактабларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда уларда зарур шарт-шароитларни яратиш.<br><br>***1-илова 3-банд*** | 518 та мактабни реконструкция қилиш ва 30 та мактабни янгидан барпо этиш орқали 175 минг ўқувчи ўрнини яратиш. | 2024 йил якунига қадар | **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норқулов,<br><br>**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги**<br>Б. Закиров,<br><br>**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги**<br>Х. Умарова | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>Мазкур топшириқни ижросини юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” давлат муассасаси томонидан 2024-йилги инвестиция дастури доирасида жами 747 та обйектлардан 743 таси бўйича пудрат ташкилотини аниқлаш юзасидан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимига эълон берилган. Ҳозирда 743 та обйектлар бўйича тендер савдолари якунланган ва ғолиб пудрат ташкилоти аниқланган Шу жумладан, 4 та обйектнинг 1 таси бўйича Республика штаби ишчи гуруҳи томонидан ҳудудларга қилинган ташрифлар давомида лойиҳа-смета ҳужжатларига қўшимчалар киритилганлиги сабабли, лойиҳа-смета ҳужжатлари қайта ишлаб чиқилиб Шаҳарсозлик экспертизасида экспертлар томонидан кўриб чиқилмоқда, 1 та обйект Тошкент вилояти Нурафшон шаҳридаги ихтисослаштирилган мактаб Нурафшон Дирекциясига топширилиши кутилмоқда, 2 та обйект Раёсат мажлис баёнига асосан(24.06.2024 йил 58-сон) янгидан қўшилган бўлиб, ҳозирда лойиҳа-олди ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.<br>Шунингдек, “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” ДМ томонидан 31.07.2024-йил ҳолатида жами 2 570 та 1 099,8 млрд.сўмлик қурилиш материаллари харид қилиш бўйича шартномалар тузилган бўлиб, шундан 2 558 та 841,2 млрд.сўмлик (76%) шартномалар маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхонлар билан тузилган. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **2.** | Мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги умумтаълим мактабларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда умумтаълим мактабларининг санитария-гигиена инфратузилмасини босқичма-босқич таъмирлаш.<br><br>***1-илова 5-банд*** | 1. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан тоза ичимлик суви билан таъминланмаган ҳамда таъмирталаб санитария-гигиена инфратузилмаси мавжуд умумтаълим мактабларини қайта хатловдан ўтказиш.<br><br>2. Хатлов натижаси асосида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва унга асосан зарур бўлган маблағларни ажратиш. | 2024 йил март<br><br>2024 йил апрель | **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норқулов,<br><br>**Қурилиш ва уй-жой коммунал вазирлиги**<br>Б. Зокиров,<br><br>**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги**<br>**Х. Умарова,**<br><br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Топшириқнинг 5.1-банди ижроси юзасидан тоза ичимлик суви билан таъминланмаган мактаблар ўрганилганда, мавжуд 10 163 та мактабдан узлуксиз ичимлик сув таъминоти билан 8 711 таси (шундан, 5742 та марказлашган, 2969 та муқобил манбалар ва 1452 та ташиб) таъминланганлиги аниқланди. Шунингдек, таъмирталаб санитария-гигиэна инфратузилмаси ўрганилганда, мавжуд 11 617 та мактаб ҳожатхонасининг 1 152 таси таъмирталаблиги аниқланди (Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 11.03.2024 й 05-31-376-сон хати).<br>2024 йил 25 мартдаги 06/2955-сонли хат Вазирлар Маҳкамасига Адлия вазирлигига юборилди Иқтисодиёт ва молия вазирлигига “Ўзсувтаъминот” АЖга.<br>5.2-банди ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.09.2020 йилдаги ПФ-6074-сон Фармони 12а-бандига мувофиқ “Ўзсувтаъминот” АЖ ўзи томонидан эксплуатация қилинадиган ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объектларини қуриш, реконструкция, модернизация қилиш ҳамда лойиҳалаштириш бўйича буюртмачи этиб белгиланган.<br>Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.02.2024 – йилдаги ПҚ-65-сон қарори 4д-бандига мувофиқ “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан объектларнинг ичимлик ва оқова сув таъминоти тармоқларини қуриш ва кўчириш тадбирлари амалга оширилиши белгиланган.<br>2024 йил 25 мартдаги 06/2955-сон хат Вазирлар Маҳкамасига, Адлия вазирлигига Иқтисодиёт ва молия вазирлигига “Ўзсувтаъминот” АЖга киритилди. |
| **7-мақсад: Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш** | | | | | |
| **3.** | Ёшларни олий таълим билан қамров даражасини ошириш. | 1. Олий таълим муассасалари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2024 йил апрель<br><br>2024 йил май | Тизимида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрда ПҚ-416-сон қарори билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Тошкент |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *1-илова 15-банд* | 2. Ёшларни олий таълим билан қамров даражасини ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | | | архитектура-қурилиш университети этиб, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети этиб қайта ташкил этилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтказилган.<br>2024 йил 3 апрелдаги 08-06/3406-сон хат Вазирлар Маҳкамасига киритилди. |
| **4.** | Нодавлат ва республикада фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим ташкилотларига кундузги таълим шаклида давлат буюртмаси қабул параметрларини ошириш<br><br>*1-илова 16-банд* | 1. Республикада фаолият юритаётган нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари ва филиалларининг қабул параметрларини таҳлил этиш.<br>2. Нодавлат ва республикада фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим ташкилотларида давлат грантлари бўйича кадрлар тайёрлаш ўрнини 1200 тага етказиш (20% га ошириш) юзасидан таклифларни шакллантириш.<br>3. Республикада фаолият олиб бораётган нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотларида давлат гранти асосида ўқитишни фақат кундузги таълим шаклида амалга ошириш бўйича таклиф киритиш. | 2024 йил апрель<br><br>2024 йил май<br><br>2024 йил май | Тизимида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрда ПҚ-416-сон қарори билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Тошкент архитектура-қурилиш университети этиб, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети этиб қайта ташкил этилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтказилган.<br>2024 йил 3 апрелдаги 08-06/3406-сон хат Вазирлар Маҳкамасига киритилди. |
| | **11-мақсад: Ёш тадқиқотчиларнинг улушини ошириш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш** | | | | |
| **5.** | Олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар учун ажратиладиган олий таълимдан кейинги таълим квоталари сонини босқичма-босқич ошириб бориш.<br><br>*1-илова 29-банд* | 1. Давлат бюджети ҳисобидан докторантура учун қабул квоталарига талабномаларни қабул қилиш.<br>2. Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда (докторантура, магистратура) хорижий тилни билиш даражасини соҳаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, табақалаштириш юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.<br>3. Келиб тушган талабномаларни умумлаштириб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш.<br>4. Давлат бюджети ҳисобидан докторантура учун қабул квоталарини илмий ва таълим ташкилотлари кесимида тасдиқлаш. | 2024 йил июнь<br><br>2024 йил июнь<br><br>2024 йил июль<br><br>2024 йил сентябрь | Тасарруфида илмий ва таълим ташкилотлари мавжуд вазирлик идоралар,<br><br>**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норқулов,<br><br>**Фанлар академияси**<br>Б. Юлдашев | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрда ПҚ-416-сон қарори билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Тошкент архитектура-қурилиш университети этиб, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети этиб қайта ташкил этилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтказилган.<br>2024 йил 26 апрелдаги 08-06/4210-сон хати Вазирлар Маҳкамасига киритилди |
| | **23-мақсад: Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизимни яратиш ҳамда улар учун қулай ва мақбул муҳитни яратиш** | | | | |
| **6.** | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари кафолатини кучайтириш.<br><br>*1-илова 59-банд* | 1. Давлат органлари ва ташкилотларига ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатлар билан кириши учун шарт-шароитларни яратиш.<br>2. Эшитиши ва нутқи бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг сурдотаржимон хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш. | 2024 йил давомида | **Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги**<br>Б. Закиров,<br><br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>Жорий топшириқ ижроси юзасидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари кафолатини кучайтириш шарт-шароитлар ишлаб чиқилмоқда. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Тошкент шаҳар ҳокимликлари | |
| **31-мақсад: Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг илмий фаолиятини рағбатлантириш** | | | | | |
| **7.** | Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш бўйича ишларни давом эттириш.<br><br>***1-илова 85-банд*** | Давлат органлари раҳбарлари ва ёшларнинг тўғридан-тўғри очиқ мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида «Раҳбар ва ёш ходимлар», «Депутат ва ёшлар», «Тадбиркорлар ва ёшлар» учрашувларини ташкил этиш. | 2024 йил июндан бошлаб аниқ режа-график асосида | вазирлик ва идоралар, Олий Мажлис палаталари *(келишув асосида),* Савдо-саноат палатаси Д. Вахобов | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. |
| **34-мақсад: Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланадиган ёшлар қамровини кенгайтириш** | | | | | |
| **8.** | Маҳаллаларда спорт майдончаларини барпо этиш.<br><br>***1-илова 90-банд*** | Маҳаллаларда 400 та спорт майдончаларинибарпо этиш. Бунда:<br><br>«Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида ғолиб ва совриндор бўлган ҳамда худудида спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳаллалар рўйхатини шакллантириш ҳамда қуриш ишларини бошлаш;<br><br>олис ва чекка ҳудуддаги маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан спорт майдончаларини босқичма-босқич барпо этиш ҳамда бу орқали аҳолининг спорт билан шуғулланиш имкониятларини янада кенгайтириш. | 2024 йил давомида | **Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги**<br>Б. Закиров,<br><br>**Ички ишлар вазирлиги**<br>П. Бобожонов,<br><br>**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари** | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 18 мартдаги 13-06/2804-сонли хати Вазирлар Маҳкамасига ва Спорт вазирлигига киритилди. |
| **ИИ. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ** | | | | | |
| **45-мақсад: 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириб, «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш** | | | | | |
| **9.** | Кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонларни энергия самарадорлиги (энергоаудит)ни баҳолашни ташкил этиш.<br><br>**2-илова 27-банд.** | 1. Кўп квартирали уйлардаги хонадонларнинг энергия самарадорлигини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Баҳолаш тартиби асосида кўп квартирали уйларнинг энергия самарадорлигини баҳолаш бўйича қисқа ва ўрта муддатли чора-тадбирлар режаларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. | 2024 йил август<br><br>2024 йил сентябр | **Энергетика вазирлиги**<br>Ж. Мирзамахмудов,<br><br>**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,**<br><br>**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги**<br>Б. Закиров | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бино-иншоотларни энергия аудитдан ўтказишни ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси тайёрланиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимига (project.gov.uz) тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Адлия вазирлигига ҳуқуқий хулоса олиш учун киритилди (ID-90017). |
| **56-мақсад: Монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш** | | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **10.** | Иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тамойили асосида лойиҳаларни амалга ошириш.<br><br>**2-илова 63-банд.** | 1. Марказлашган иссиқлик таъминоти тизимларини яхшилаш, шаффофликни таъминлаш ҳамда соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларини самарали ишлатиш мақсадида, ушбу йўналишларда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида лойиҳаларни кенг жорий қилиш учун амалга ошириладиган лойиҳалар дастурини тайёрлаш.<br>2. Шаҳар ва туманларнинг иссиқлик таъминоти тизимига хусусий секторни жалб қилиш орқали ушбу соҳаларни молиявий фаолиятини фойда билан юритадиган бизнесга айлантириш учун кенг шароитлар яратиш чораларини кўриш. | 2024 йил июль<br><br>2024 йил давомида | **Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,**<br>Б. Закиров,<br><br>**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норқулов | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Мазкур топшириқнинг 63.1-банди ижроси юзасидан Марказлашган иссиқлик таъминоти тизимларини яхшилаш, шаффофликни таъминлаш ҳамда соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларини самарали ишлатиш мақсадида, ушбу йўналишларда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида лойиҳаларни кенг жорий қилиш учун амалга ошириладиган лойиҳалар дастурини тайёрлайб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Раматов томонидан 2024-йил 29-июлдаги 05/1-595-сон топшириқ асосида тасдиқланди.<br><br>**БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>Мазкур топшириқнинг 63.2-банди ижроси юзасидан вазирликнинг 2024 йил 15 июльдаги 05/1404-сонли хати Вазирлар Маҳкамасига ва Адлия вазирлигига киритилди. |
| **59-мақсад: Ҳудудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш** | | | | | |
| **11.** | Аҳоли гавжум бўлган кўчаларда савдо, маиший, сайилгоҳ ва кўнгилочар хизматларини ривожлантириш учун бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш.<br><br>**2-илова 80-банд.** | Янги хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш учун 2024 йилда 2,2 мингта ер (лот) майдонларни аукцион савдоларга чиқариш.<br>Бунда:<br>инфратузилмаси мавжуд ва аҳоли гавжум ҳудудларда бўш ер майдонларини аниқлаш;<br>аниқланган ер майдонларини белгиланган тартибда аукционга чиқариш;<br>аукционга чиқарилган ер майдонларини улар тўғрисида ҳоким ёрдамчилари томонидан, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишларини жадаллаштириш орқали сотиш | 2024 йил декабрь | **Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,**<br>Б. Закиров,<br><br>**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норқулов,<br><br>Кадастр агентлиги<br>Ф. Пулатов,<br><br>Давлат активларини бошқариш агентлиги<br>А. Ортиков,<br><br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>Маскур топшириқ ижроси юзасидан аҳоли гавжум бўлган кўчаларда савдо, маиший, сайилгоҳ ва кўнгилочар хизматларини ривожлантириш учун бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш ишлаб чиқилмоқда. |
| **60-мақсад: Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш** | | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **12.** | Аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва урбанизация жараёнларини жадаллаштириш.<br><br>**2-илова 81-банд.** | 1. Республикадаги 5 та шаҳарнинг бош режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Республикадаги 48 та шаҳарчанинг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш.<br>3. Қишлоқ (овуллар)да жойлашган 116 та аҳоли пунктини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш.<br>4. 146 та аҳоли пунктининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларини якунлаш. | 2024 йил декабрь | **Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,**<br>Б. Закиров,<br><br>**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норқулов,<br><br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,вилоятлар ва Тошкент шаҳарҳокимликлари | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>Топшириқ ижроси юзасидан аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва урбанизация жараёнларини жадаллаштириш ишлари олиб борилмоқда. |
| **13.** | Ривожланган давлатларнинг бино-иншоотлар бўйича қурилиш хавфсизлиги меъёрлари асосида янги стандартларни жорий қилиш<br><br>**2-илова 82-банд.** | Қурилиш-монтаж ишларини техник жиҳатдан баҳолаш, текшириш ва қабул қилиш тизимига хусусий секторни кенг жалб қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2024 йил сентябрь | **Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,**<br>Б. Закиров,<br><br>**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норқулов, | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Топшириқ ижроси юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори “Қурилиш соҳасини тартибга солувчи маъмурий регламентларни такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси (ID-71895(V-11)) билан бирлаштирилиб, 2024-йил 30 июль куни Ҳукуматга кўриб чиқиш учун киритилди ҳамда тегишли таклифлар ишлаб чиқилиб вазирликнинг 2024 йил 20 сентаябрдаги 24-05/2495-сонли хати Вазирлар маҳкамасига киритилди. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **14.** | Эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ҳамда сейсмик заифлиги ва авария аломатлари аниқланган кўп квартирали уй-жойларни реновация қилиш чораларини кўриш<br><br>**2-илова 83-банд.** | 1. 2024 йил учун кўп квартирали уй-жойларни реновация қилиш бўйича қонуний асосларни яратиш.<br>2. 2024 йил учун кўп квартирали уй-жойларни реновация қилиш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириш ҳамда тасдиқлаш. | 2024 йил март<br><br>2024 йил март | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Мазкур топшириқнинг 83.1-банди ижроси юзасидан Ҳалқаро тажрибани ўрганган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси қонуни Реновация тўғрисида” қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳаси белгиланган тартибда “прожест.гов.уз” тизими орқали тегишли вазирлик ва идоралар билан белгиланган тартибда келишди. (ID–98819). Қонун лойиҳаси вазирлик ва идоралар томонидан билдирилган таклифлар асосида такомиллаштирилди ҳамда Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.<br><br>**БАЖАРИЛГАН.**<br>Мазкур топшириқнинг 83.2-банди ижроси юзасидан авария ҳолатидаги ҳамда маънан эскирган кўп квартирали уйларни реновация қилиш манзилли рўйхати муддатлар белгиланиб, тасдиқланди. Манзилли рўйхатга мувофиқ 2024 йилда 21 та, 2025 йилда 190 та ҳамда 2026 йилда 132 та реновация лойиҳаларини амалга ошириш белгиланди. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **15.** | «Янги Ўзбекистон» массивлари сонини 45 тага ва уй-жой қурилиши ҳажмини 80 мингтага етказиш.<br><br>**2-илова 84-банд.** | 1. 2024 йил учун уй-жой қурилиши ва ипотека дастурини ишлаб чиқишда янгидан барпо этиладиган «Янги Ўзбекистон» ва бошқа массивларни шаҳарлар ҳамда уларга туташ ҳудудларда жойлаштириш.<br>2. «Янги Ўзбекистон» массивлари ва уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда 80 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш. | 2024 йил март<br><br>2024 йил декабрь | Вазирлик ва идораларнинг маблағлари, тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари | **БАЖАРИЛГАН**<br>Топшириқнинг 84.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда “2024 йилда ипотека кредити механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Мазкур Фармон лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан берилган таклифлар асосида қуйидагилар:<br>2024 йилда 45 та "Янги Ўзбекистон" ва бошқа массивларда 80 мингта квартирали кўп қаватли уй-жойларни қуриш бўйича ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари; 2024 йилда “Янги Ўзбекистон” массивларида кўп қаватли уй-жойлар қуришнинг мақсадли кўрсаткичлари аниқ белгилаб берилган.<br>Шунингдек, янгидан барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” ва бошқа массивларни шаҳарлар, туман марказлари ҳамда уларга туташ ҳудудларда жойлаштириш бўйича ер майдонлари танлаб олинди.<br>2024 йил 26 мартдаги 06/3020-сон хат Вазирлар Маҳкамасига ва Адлия вазирлигига юборилди.<br><br>**БАЖАРИЛМОҚДА**<br>«Янги Ўзбекистон» массивлари ва уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда 80 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга оширилиб борилмоқда. |
| **16.** | Аҳолига қулайлик яратиш ҳамда кўрсатиаётган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини таъминлаш мақсадида кўп қаватли турар жой хонадонларининг табиий газ, электр энергияси ва иссиқлик таъминоти, ичимлик ва оқова сув ҳамда чиқиндиларни олиб чиқиш хизматлари каби коммунал тўловларини бирлаштирувчи ягона тўлов тизимини жорий этиш. | 1. Ягона тўлов тизимининг ишлашини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Ягона тўлов тизимини ишга тушириш ҳамда мониторинг қилиш имкониятини яратиш.<br>3. Ягона тўлов тизимини тажриба-синов тариқасида Навоий шаҳрида жорий этиш.<br>4. Кўп қаватли уй-жойларда коммунал хизматлар самарадорлигини истиқомат | 2024 йил август<br><br>2024 йил сентябрь<br>2024 йил октябрь<br><br>2024 йил июлдан бошлаб | **Энергетика вазирлиги**<br>Ж. Мирзамахмудов,<br><br>**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги**<br>А. Абдухакимов,<br><br>«Ўзсувтаъминот» АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Мазкур топшириқнинг 85.1 банди ижросини юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг “Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестрини шакллантириш ва юритиш ҳамда кўп квартирали уйларни бошқариш органларига бириктириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **2-илова 85-банд.** | қилувчилар томонидан комплекс баҳолаш амалиётини йўлга қўйиш. | | Д. Азимов,<br>**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норқулов<br>,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | регламентни тасдиқлаш тўғрисида” қарор лойиҳаси (ID – 87058) ишлаб чиқилди ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар белгиланган тартибда project.gov.uz тизими орқали келишилди. Ишлаб чиқилган қарор лойиҳаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилди ва 9/3-0362-сон экспертиза хулосаси олиниб экспертиза хулосасида кўрсатилган таклиф ва эътирозлар асосида қарор лойиҳасига қўшимчалар киритилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.<br>**БАЖАРИЛМОҚДА**<br>Топшириқнинг 85.2 банди юзасидан ягона тўлов тизимини ишга тушириш ҳамда мониторинг қилиш имкониятини яратиш ишлари олиб борилмоқда.<br>**БАЖАРИЛМОҚДА**<br>**БАЖАРИЛМОҚДА** |
| **17.** | Ноқонуний ва сифатсиз қурилишларни ҳамда бино ва иншоотларда сейсмик, санитар ва хавфсизлик муаммоларини бартараф этиш мақсадида, қонунбузарликларга қарши таъсирчан чора-тадбирларни кучайтириш бўйича қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш.<br>**2-илова 86-банд.** | 1. Таъсирчан чора-тадбирларни кучайтириш бўйича Сингапур тажрибасини ўрганиб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳни ташкил этиш.<br>2. Ноқонуний ҳамда сифатсиз қурилишлар билан курашиш бўйича Сингапур тажрибасини жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва таклифларни шакллантириш.<br>3. Сингапур тажрибаси асосида таъсирчан чораларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий | 2024 йил март<br>2024 йил май<br>2024 йил сентябрь | **Адлия вазирлиги**<br>А. Ташкулов,<br>**Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси**<br>А. Каюмов, | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Мазкур топшириқнинг 86.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида тегишлий вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишчи гуруҳ ташкил этилди. 2024 йил 25 мартдаги 11-06/2995-сон хат Вазирлар Маҳкамасига ва Ташқи ишлар вазирлигига юборилди. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | | **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норқулов | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Мазкур топшириқнинг 86.2-банди ижросини юзасидан Сингапур давлатининг Ноқонуний ҳамда сифатсиз қурилишлар билан курашиш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш учун вазирлик ва идоралар мутахассисларидан ташкил топган ишчи гуруҳ шакллантирилди ҳамда Вазирликнинг 2024 йил 18 апрелдаги 119-сон буйруғи билан тасдиқланди.<br>Жорий йилнинг 23 апрел санасида ишчи гуруҳ аъзолари Сингапур давлатига юборилди. Хорижий давлатга уюштирилган хизмат сафари 2024 йил 28 апрел санасида якунланиши белгиланган. Хизмат сафари якунларига асосан Ишчи гуруҳ томонидан Ноқонуний ҳамда сифатсиз қурилишлар билан курашишга қаратилган аниқ таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилади |
| | | | | | **БАЖАРИЛМОҚДА**<br>Топшириқнинг 86.3 банди ижроси юзасидан куйидаги ишлар амалга оширилди:<br>1.Таъсирчан чора-тадбирларни кучайтириш бўйича Сингапур тажрибасини ўрганиб чиқиш юзасидан идоралар аро ишчи гурух ташкил этилди. (2024-йил 25-мартдаги 11-06/2995- сонли хат)<br>2.Ноқонуний ҳамда сифатсиз қурилишлар билан курашиш бўйича Сингапур тажрибаси жойига чиққан ҳолда ўрганилди ва таклифлар шакллантирилиб Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинди. (2024-йил 8-майдаги 13-06/4686-сонли хат)<br>3.Сингапур тажрибаси асосида таъсирчан чораларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди (ID-85755).<br>4.Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси тегишли Вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Адлия вазирлигининг 2023-йил 7-декабрдаги 8/2-0967-сонли Экспертиза хулосаси олинди.<br>5.“Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва унга оид ҳужжатлар Олий Мажлис Сенатида кўриб чиқиш учун 2024-йил 13-июнда 01-05/1476-сонли хат орқали юборилган.<br>Топшириқнинг муддатини узайтириш юзасидан вазирликнинг 2024 йил 13 сентябрдаги 13-06/9614-сонли хати Адлия вазирлигига киритилди. |
| **18.** | Кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуришни тартибга солувчи қонунчилик асосларини шакллантириш.<br><br>**2-илова 87-банд.** | Кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуришни тартибга солувчи қонуний асосларни шакллантириш, объектларни улуш киритиш асосида қуришда ягона мажбурий талабларни белгилаш.<br>Бунда:<br>фуқаролардан уй-жой қурилиши учун тўғридан-тўғри пул маблағларини жалб этишни тақиқлаш, фақатгина Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотларига тижорат банклари орқали улуш асосида пул маблағларини жалб этишга рухсат этиш;<br>ваколатли органнинг кафолатига эга бўлмаган тадбиркорлар томонидан улуш киритиш асосида пул маблағларини жалб этиш, уй-жой қурилишини турли кўринишда реклама қилишни тақиқлашни назарда тутиш. | 2024 йил сентябрь | **Адлия вазирлиги**<br>А. Ташкулов,<br><br>**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норкулов | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>Топшириқ ижроси юзасидан кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуришни тартибга солувчи қонунчилик асосларини шакллантириш ишлари олиб борилмоқда. |
| **19.** | Қурилиш объектларига архитектура режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни мажбурий этиб белгилаш тартибини йўлга қўйиш.<br><br>**2-илова 88-банд.** | 1. Архитектура режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш талаб этиладиган янги қурилишлар параметрларини шакллантириш.<br>2. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришларни киритиш чораларини кўриш. | 2024 йил сентябрь<br><br>2024 йил октябрь | **Адлия вазирлиги**<br>А. Ташкулов,<br><br>**Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси**<br>А. Каюмов,<br><br>**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**<br>И. Норкулов | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>Топшириқнинг 88.1 банди ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хоʻжалиги вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини тартибга солувчи айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси таёрланиб ўрнатилган тарбида тегишли вазирлик ва идорлар билан келишилди ва Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, 2024-йил 30-июл куни 13-05/1866/1-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киртитилганлиги маълум қилинади. Мазкур қарор лойиҳаси билан Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 20-апрелдаги 200-сон қарори 3-иловаси билан |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
